



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 227 (10.030)

2003 ЙИЛ 21 НОЯБРЬ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ БОЛГАРИЯ РЕСПУБЛИКАСИГА ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Болгария Республикаси Президенти Георги Парванов тақлифига биноан 2003 йил 24-26 ноябрь кунлари давлат ташрифи билан Болгарияда бўлади.

Ташриф чоғида ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари ҳамда томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар муҳокама этилиши, қатор муҳим ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

ПОЙТАХТНИНГ Душ Кўни

Янгиликлар, воқеалар

Қиссалар

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ташаббуси билан шаҳримизда ташкил этилган анжуман аждодларимиз мероси ривожда маданий-маърифий муассасаларнинг роли масаласига бағишланди.

● **РЕСПУБЛИКА** ўқувчилар саройида Халқаро болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш конвенциясининг 14 йиллигига бағишлаб ташкил этилган қўриқ-танлов ва кўргазма «Замонавий дунё — болалар нигоҳида» деб номланди.

● **ШАҲРИМИЗДАГИ** олий ўқув юртыда тахсил олаётган талабалардан бир гуруҳи Олий Мажлисга ташриф буюриб, мамлакатимиз парламенти фаолияти билан яқиндан танишди. Ушбу тadbир «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан уюштирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

06:44 — 2004

ҚИММАТБАҲО СОВҒАЛАР КУТМОҚДА

Айни кунларда пойтахтимиздаги барча почта бўлимларида газета ва журналларга келаси йил учун қўзғин обуна давом этмоқда. «Тошкент почта» акциядорлик жамияти ходимларининг сўзларига қўра шахримиз аҳолиси ўзлари севиб ўқийдиган «Тошкент оқшом» ва «Вечерний Ташкент» газеталарига ҳам ақдиллик билан обуна бўлишмоқда.

Дарҳақиқат, обуна мавсумининг кўнгилдагидай ўтишида почта бўлимлари ходимларининг ҳам ўзига хос ва муносиб ҳиссалари бор. Чунки ушбу соҳа хизматчиларига обуначилар даврий на-

КОНСТИТУЦИЯ ВА ИЖТИМОЙ БАҲРИКЕНГЛИК

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази мамлакатимиз аҳолиси асосий этник гуруҳларининг миллий ўзлигини англаши аҳоли ва ривожланиши устидан доимий ижтимоий мониторинг олиб боради. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 11 йиллиги арафасида аҳоли ўртасида «Миллий ўзликини англаш» мавзусида сўров ташкил этилди. Бу сўров барча вилоятларда тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва репрезентативлигини таъминлаган ахтимолий танлаш услуби асосида ўтказилди. Бунда натижалар таҳлили 1999-2002 йилларда ўтказилган аввалги сўровлар натижалари билан таққослаган ҳолда амалга оширилди.

Сўров натижаларидан кўринадики, республикамиз фуқаролари, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши ва мавқеидан қатъи назар, Ўзбекистон Конституциясини давлатнинг демократик гоёлар, ижтимоий адолат тамойиллари, жаҳонда тан олинган инсон ҳуқуқ ва эркинликларига содиқлиги кафолати деб ҳисоблайди. Асосий Қонун ҳар бир шахсга бағрикенглик, ҳурмат билан муносабатда бўлиши талаб қилади, бу эса ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадриятларга мосдир.

— Ҳар бир давлатнинг белгиси бўлган фуқаролик Ўзбекистон халқи вакили деб ҳисоблашнинг ягона қонуний асосидир. «Сиз учун нима муҳимроқ — миллатингизми ёки фуқароликми?» деган саволга сўралганларнинг яқини «униси ҳам, буниси ҳам бирдек муҳим» деб жавоб берган. Сўров натижаларидан кўринадики, мамлакатимиз аҳолиси учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролигининг аҳамияти йилдан-йилга ортмоқда.

Тажрибадан маълумки, аҳоли ўз мамлақати фуқаролигини қанчалик юқори қўйса, бундай давлат шунчалик барқарор бўлади. «Ўзбекистон фуқароси эканлигинингиздан нималарни ҳис этасиз?» деган саволга сўровда иштирок этганларнинг кўпчилиги «фахрлиниш туйғуси» деб жавоб берди.

Шунингдек, тадқиқот жамиятимизни бирлаштираётган омиллар ҳақида ўзбекистонликларнинг фикрини аниқлаб берди. Сўралганларнинг 45 фоизи миллат, ички миллий бирдамликни асосий омил деб ҳисоблайди. Бу борада сўралганларнинг 43,6 фоизи давлат ва фуқаролар бирдамлигининг, 11,4 фоизи эса диннинг роли катта эканини қайд этди.

Ўзбекистон аҳолиси давлат мустақиллигига эришишни мамлакат ҳаётидаги энг муҳим тарихий воқеа деб ҳисоблайди. Бу эса мазкур масалада жамоатчилик фикрининг шаклланиши ва умумфуқаролик позицияси юзага келаётганидан далолат беради.

Бундай ҳулоса «Ўзбекистон байроғини кўргангизда ва Давлат мадҳиясини тинглаганингизда нималарни ҳис қиласиз?» деган саволга жавобларда ҳам ўз тасдиғини топган. Сўралганларнинг аскарияти (92,2 фоиз) «фахрлиниш туйғусини» деб жавоб берган.

Фуқароларимиз ижтимоий фикрида демократик давлатнинг асосий устуворликлари акс этган. Буни «Ўзбекистон тараққиётига ҳамма нарсдан кўра нима кўпроқ ёрдам беради?» деган саволга берилган жавобларда кўриш мумкин.

шрларга обуналарни расмийлаштириш масаласида доимо мурожаат этишлади.

Ҳақиқатдан ҳам квинтациаларни бехато тўлдириш, қайси нашрга обуна бўлиш хусусида ўз маслаҳатларини беришда бу соҳа хизматчиларининг ўрни салмоқлидир. Бинобарин, алоқа бўлимларида «Оқшом» газеталарига ёзилинг, чунки бу газеталар ўз шаҳарларини севадиган инсонларнинг нашридир» деган сўзлар ҳам тез-тез эшитилиб қолади. Шундай қилиб, «Оқшом» газеталари тахририяти почта бўлимларининг жонқуяр ходимлари учун махсус танловни эълон қилишга қарор қилди. Айтмоқчимизки, пойтахтнинг «Оқшом» газеталарига обуна мавсуми кезларида қайси почта бўлими кўп миқдорда обуна ташкил этса уни қимматбаҳо совғалар кутди.

Янги — 2004 йилда «Оқшом» билан бирга бўлинг!

Уларнинг тахлили аҳоли фуқаролик позициясининг ўсганини кўрсатади. Сўралганларнинг 53,9 фоизининг фикрича, бу «маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ижтимоий адолатнинг таъминланишида» ўз ифодасини топган. Мамлакат аҳолиси учун иқтисодий ҳаётни янада эркинлаштириш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадқиқот ўзбекистонликларнинг фуқаролик етуқлиги даражаси, ватанпарварлик, Ватанга садоқатни қандай тушунишини аниқроқ белгилаш имконини берди. Жумладан, сўровда иштирок этганларнинг кўпчилиги учун бугунги кунда Ватан «мустақил Ўзбекистон», «инсон тугилган жой» ва «улгайган жой»ни англатади. Уларнинг аксарияти ўзини мустақил Ўзбекистоннинг ватанпарварлари деб ҳисоблайди (90,7 фоиз), ватанпарварлик деганда Ватанга фидойий хизмат қилиш (54,8 фоиз) ва унга бўлган муҳаббатни тушунади (38,5 фоиз).

«Сиз учун Ўзбекистон нимани англатади?» деган саволга сўралганларнинг 66,5 фоизи миллатидан қатъи назар «менинг Ватаним», ҳар тўрт қилинган бири «менинг уйим» деб жавоб берган. Айни пайтда кўпчилик (83,7 фоиз) бозқа мамлакатда яшашни истамайди, «дунёда Ўзбекистондан яхши мамлакат йўқ» деб ҳисоблайди.

Бугун аҳолининг ҳаммаси бир тилда сўзлашадиган, бир динда ибодат қиладиган, бир хил миллий анъаналарга эга бўлган мамлакатни топилиш қийин. Сўров давомида сўралганларнинг аксарияти (86,9 фоиз) Ўзбекистонда миллати ва динидан қатъи назар фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига амал қилинаётганини таъкидлаган.

Ўзбекистон аҳолиси мустақиллик йилларида мамлакатда эришилган тинчлик ва барқарорлик, миллатларо ва фуқаролар тотувлигини юқори баҳолайди. Сўралганларнинг 93 фоизи шундай фикр билдирган. Республика аҳолиси Президент Ислоҳ Каримов томонидан олиб борилаётган изчил ва самарали миллий сиёсатни барқарорлик, миллатларо ва фуқаролар тотувлигининг асосий кафолати деб ҳисоблайди. Бу эса аҳоли Ўзбекистонда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган ислохотларни тўлиқ қўллаб-қувватлашини кўрсатувчи мезонлардан биридир.

«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида
ЎЗА мухбири А.Иванова
тайёрлади.



XVI сағоси

Барча жанбаларимиз олтинга сўнгги забарлар

Мамлакатимизда

● Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишига мувофиқ, 20 ноябрдан мамлакатимизда Ёнги хавфсизлиги ойлиги бошланди.

● Кеча БМТнинг Наркотик моддалар ва жиноятчилик бўйича бозқармасининг Урта Осиёдаги ваколатхонасида умумий қиймати 170 миң АҚШ доллари миқдорда бўлган замонавий асбоб-ускуналарни мамлакатимиз ҳуқуқ-тартибни органлари ходимларига топшириш маросими бўлиб ўтди.

● Кеча Тошкентдаги «ЎзэкспоМарказ» савдо-кўргазмалар марказида Товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркорлар палатаси, Тadbиркорларни ахборот борасида қўллаб-қувватлаш «Заковат» ижтимоий жамғармаси ва «ЎзэкспоМарказ» ҳамкорлигида «INFO-BIZNES—2003» кўргазмаси иш бошланди.

● Республика шoshiлинич тиббий ёрдам илмий марказининг Андижон вилояти бўлимида тренинг-курслар ташкил этилди.

● Тошкент Фото уйида «Ўзбекистонга муҳаббат ва ахтиром билан» мавзусидаги фото-танлов доирасида кўргазма очилди.

● Фаргона вилоятидаги хусусий шиғохонлар сони яна биттага орди. Вилоят марказининг Ҳўжанд кўчасида «КардиоМед» шиғохониси иш бошланди.

Жаҳонда

● АҚШ Президенти Жорж Буш Буюк Британияга ташриф буюрди. Президентни Буюк Британия кироличиси Елизавета II кутиб олди. Жорж Буш ташрифи давомида Афғонистон ва Ироқда жанг қилган ҳарбийлар, шунингдек, Буюк Британия бош вазир Тони Блэр билан учрашди.

● БМТ Хавфсизлик Кенгаши Яқин Шарқ муаммосини барқарор эттишга қаратилган «Йўл харитаси» режасини маъқуллади.

● Фаластиннинг «Хамас» ва «Ислоҳ жиҳоди» экстремистик гуруҳлари Исроил билан келишмовчиликларни барқарор қилиш тўғрисидаги келишувларда қатнашишга рози бўлишди. Учрашувнинг 2 декабрда Кохирада ўтказилиши режалаштирилмоқда.

● Кеча Туркияда яна террорчилик ҳаракати амалга оширилди. Истанбулдаги Британия консулиги ва HSBC банки олдида юз берган иккита портлаш натижасида 15 киши ҳаётдан кўз юмди.

● Судан давлатининг Вау шаҳридаги аэропортда «Ан-12» русумли юз самолётининг портлаб кетиши натижасида 13 киши ҳалок бўлди.

Сўраш,
жавоб берамиз

Шартнома шартларини бузиш оқибатлари ҳақида маълумот берсангиз.

М.Ихтиёр, муҳандис.

Қарз шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, қарз олувчи қарз суммасини вақтида қайтармаган ҳолларда пул маблағини ғайриқонуний равишда ушлаб қолиш, уни қайтаришдан бош тортиш ёки уни тўлашни бошқача тарзда кечиктириш, ундан фойдаланганлик учун ушбу маблағлар суммасига фоиз тўлаши керак.

Агар шартномада қарзни бўлиб-бўлиб қайтариш назарда тутилган бўлса, қарз олувчи қарзнинг навбатдаги қисмини қайтариш учун белгиланган муддатни бузган тақдирда, қарз берувчи қарзнинг қолган барча суммасини тегишли фоизлар билан муддатидан олдин қайтарилишини талаб қилишга ҳақли.

Агар шартнома бўйича келишилган фоизларни қарзнинг ўзини қайтариш муддатидан олдин тўлаш назарда тутилган бўлса, бу мажбурият бузилган тақдирда, қарз берувчи мажбурият билан бирга муддатидан олдин қайтарилишини талаб қилишга ҳақли.

Ҳада шартномаси деган тушунчанинг маъно-мазмунини нимадан иборат?

Ш.Шоилёсова, шифокор.

Ҳада шартномасига мувофиқ бир тараф (ҳада қилувчи) бошқа тарафга (ҳада олувчига), биринчидан ашёни, кўчмас мулкни, шу жумладан автотранспорт воситаларини текинга мулк қилиб беради ёки бериш мажбуриятини олади ёхуд иккинчидан, унга ўзига ёки учинчи шахсга нисбатан ҳуқуқини (талабини) беради ё бериш мажбуриятини олади ёкинчи учинчидан, уни ўзи ёки учинчи шахс олдидаги мулкий мажбуриятдан озод қилади ёкинчи озод қилиш мажбуриятини олади.

Ашё ёки ҳуқуқ муқобил берилганида ё бўлмаса, муқобил мажбурият мавжуд бўлганида шартнома ҳада деб тан олинмайди.

Фуқаролик кодексининг 504-моддасида белгиланганидек, кўчмас мулкни ҳада қилиш шартномаси нотариал тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Ҳада қилиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар олди-сотдига тааллуқли ҳуқуқий муносабатлардан ортиқча фарқ қилмайди.

Хурматли ҳамшаҳарлар! Ўзининг қизиқтирган масалалар юзасидан 133-29-09 телефонга қўнграк қилсангиз, малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

ДЕМОКРАТИЯ МАКТАБИ

— Райим ота, ҳо Райим ота, маҳалламизда бугун сайлов эканлиги ёдингизда борми? Юрақолинг, кечга қолмайлик.
— Биродар, мен қатнашганим билан бирон нарса ўзгарармиди, бориб нима қилдим.
— Ия, нима деганингиз бу, оқсоқоли ўзимиз сайлаймиз, ахир. Маҳалламизнинг ривожини, кейинги ишларимизнинг барчасини бугун кимни сайлашимизга боғлиқ. Ҳар бир хонадонга келиб бу йилги сайловнинг аҳамияти, мақсад-маъносини тушунтиришга нима қилдик?

Ҳа, бундан икки ярим йил аввал Республикамаизда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлариға ўтказилган сайловда қатор номзодлар орасидан оқсоқол ва унинг маслаҳатчилари танлаб олинган эди. Вақт олий ҳакам. Бугун вақолат муддатлари тугаб, энди улар эл олдида ҳисоб бермоқдалар. Эл ишончини оқлашнинг ўзи катта бахт. Бу бахт ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бунинг учун инсон фидойи, меҳнатқаш, биронинг ташвишини ўзиники деб қабул қилиб, уни бартараф эта биладиган, одамохунлиги, билимдон ва талбиркорлиги билан эл назарида бўлиши лозим.

Кунни кеча Миробод туманидаги «Билимдон» маҳалласида мана шундай жиҳатлар жамланган ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Сайловга тақдир қилинган 74 вакилдан ташқари қўшни маҳаллалар ишчи гуруҳи аъзолари, туман ҳокимлиги, қорхона ва ташкилот вакиллари ҳам ушбу йиғилишда иштирок этдилар.

Авалло маҳалла оқсоқоли Савринисо Пулатованинг 2,5 йил мобайнидаги қилинган ишлари сарҳисоби тингланди.

— Маҳалла одоб, ахлоқ, шарқона тарбия маскани, қолаверса халқни жипслашган, улкан ишларни амалга оширишга қодир бўлган катта куч, — деди жумладан оқсоқол ўз ҳисоботида. — Барча ишларимизнинг унуми ҳамжихатлигимиз, бирдамлигимиз меваси. Шу ўтган вақт мобайнида кўчаларимизнинг ўйдим-чүкур жойлари таъмирланди. 296 квадрат метр жой асфальтланди, 360 метр жойга ичимлик суви тармоғи олиб келинди, маҳалламиз гузари қайта таъмирланди. Сартарошхона, новвойхона, пойабзал таъмирлаш устaxonаси ишлаб турибди. Бу масканларда қарияларимизга бепул, ёрдамга муҳтож оилаларга имтиёзли хизмат кўрсатилмоқда.

Обод маҳалла йилида ободонлаштириш, орасталаш ва покзалаш юмушларига алоҳида эътибор қаратилди. Шу йилнинг ўзида 130 туп манзарали, 80 туп мевали дарaxтлар, 150 тупдан ортиқ атиргул ва бошқа гул қўчатлари ўтказилди. Ариқ ва зовур-

лар тозаланиб, кўчаларимизни ёритиш масаласида ҳам эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилди. 7 та симёғочлар алмаштирилиб, кўчаларимизнинг ёруғ бўлиб туришига эришилди.

оширишимиз лозим. Токи маҳалладошларимиз биринчи навбатда керак бўладиган майда-чуйдалар учун ҳам транспортга чиқиб, узоққа бориб юрмасинлар...

Шундан сўнг тафтиш комиссиясининг раиси Галина Порозованинг ҳисоботи тингланди.

Иккала ҳисобот юзасидан сўзга чиққан маҳалла фаоллари кўпчиликнинг фикрини жамлаб, ҳисоботларнинг қониқарли эканлиги, рўйроост айтилган камчилик, амалга оширилиши лозим бўлган юмушларнинг ижроси албатта бўлиши кераклиги ҳақида гапириб ўтдилар.

Туман кўмаклашув комиссияси аъзоси, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими раиси Тўхтапўлат Солиқов сўзга чиқиб бу йилги сайловнинг мазмун-моҳияти, эл назаридаги обрў-эътиборли инсонларнинг маҳалла оқсоқоли этиб сайланиши ютуқлар қарови бўлиши ҳақидаги фикрларини баён этди.

Сайловда иштирок этган қатнашчилар бир овоздан, очик овоз бериш йўли билан Савринисо Пулатова номзоди учун овоз бердилар. 3 кишидан иборат тафтиш комиссияси ва 9 нафар аъзони ўзида жамлаган маслаҳатчилар ҳам халқ томонидан сайланди.

Маслаҳатчилар сафини тўлдирган, «Камолот» ЁИХ фаоли Ихтиёр Хўжаев сўзга чиқиб, юксак эътибор ва ишонч учун маҳалладошларни миннатдорчилик билдириб, жумладан шундай деди: «Бугунги кун ёшларига кўрсатилаётган гамхўрлик ва эътибор кўнгиллари кўтариб, инсонни фақат эзгу ишларга етаклайди. Мен ҳам сизларни ишонтириб айтаманки, маҳалламиздаги ёшларнинг яхши ўқишлари, турли диний оқимларга, ғиёвандлик кўчаларига кириб кетмасликлари йўлида бор куч-ғайратини аямайман. Обод ва озод Ватанимизга соғлом, ҳур фикрли, кенг салоҳиятли, ақдан тийрак ўғил-қизлар муносиблигини ҳар бир маҳалладошимизга етказишга ҳаракат қиламан ва бу йўлда асло чарчамайман».

Шоира МУҲАМЕДОВА

ОҚСОҚОЛНИ ЭЛ САЙЛАЙДИ

Маҳалламиздаги қаҳвахона кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларга тўй ва маросимлари бепул ўтказиб бермоқда, яқинда иккита оиланинг 3 нафар фарзандининг суннат тўйларини маҳалла ҳисобидан ўтказиб бердик. Энг кам таъминланган 18 та оилага 503 минг сўм, 16 ёшгача фарзандлари бор оилаларга 916.500 сўм, 2 ёшгача ёш боласи бор оилаларга 1.391.50 сўм ажратилди. 2002 йилнинг июнь ойидан бошлаб маҳалламизда «Мадина» зиё-ўқув маркази фаолият кўрсатмоқда. Унда 15 турдаги турли касб-хўнар сирлари ёшларга ўргатишмоқда. Бизнинг ушбу марказ билан тузган шартномамизга мувофиқ 2003 йилнинг ўзида камхарж оилаларнинг 12 нафар фарзанди бепул хўнар эгалландилар.

Болалар спортини ривожлантириш, фарзандларимизнинг соғлом бўлиб вояга етишлари йўлида ҳам бирмунча ишларни амалга оширдик. Шу кунгача оилавий спорт мусобақалари ҳам, маҳалла футбол жамоасининг машқлари ҳам ҳудудимиздаги 214-мактабда ўтказиларди. Ҳозирги кунда маҳалламизнинг ўзида спорт майдончасининг қурилиши бошлаб юборилган.

Иш бор жойда камчилик, етишмовчиликлар ҳам бўлиши табиий ҳол. Қилиниши лозим бўлган юмушлар ҳам етарли. Келгусида спорт майдончасининг қурилишини тезлаштириш, ёшларни спорт анжомлари ва кийим-кечаклар билан таъминлаш, «Одобли» деб номланган узун, тор кўчамиздан ариқ ўтказиб, 600 метр майдонда чиройли гулзор барпо қилиш, ҳудудимизда кичик бозорча, газета-журналлар сотиладиган дўкончалар қуриш каби ишларни амалга

“СУВ ПАРИСИ” ТУРНИРИ

20-22 ноябрь кунлари пойтахтда синхрон сузиш бўйича IV- халқаро «Сув париси» турнири ўтказиларди. Турнирда республикамиз вилоятлари ва Тошкент шаҳридан ҳамда Қозғистон, Хитой, Россия давлатларидан 16 ёшгача бўлган спортчилар беллашди.

— «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ўсмир ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда иктидорли болаларни қўллаб-қувватлаш бўйича кўпгина дастурларни амалга оширмоқда, — деди жамғарма раиси Светлана Иномова «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Жамғарма 2001 йилдан буюн бадий гимнастика, синхрон сузиш, стол тенниси каби спорт турларини ота-лиққа олиб, уларни юқори савияда ўтказмоқда.

Жумладан, ёшларни синхрон сузиш спортига жалб этиш мақсадида синхрон сузиш федерацияси билан шартнома тузилди. Қоржаққоғистон Республикаси ва барча вилоят ҳокимликларига малакали мутахассисларни жалб этиш, жойларда Синхрон сузиш фе-

дерацияларини ташкил этиш учун тегишли ҳужжатлар юборилди. Спортнинг ушбу тури бўйича мактаб, лицей ва коллежларро мусобақалар ўтказилмоқда.

Мамлакатимизда Синхрон сузиш 1979 йил Тошкент шаҳридаги «Меҳнат» спорт базасида ташкил этилди. Ўзбекистон терма жамоаси қатнашчилари 1994 йил Хиросимада ўтказилган Осиё чемпионатида, 1998 йил Бангкоқда, 2002 йил Пусан (Жанубий Корея)да ўтказилган мусобақаларда фаол иштирок этиб, юқори натижаларни қўлга киритишди. Спортчиларимиз Марина Абрашқина, Элира Муборақшина Хиросимада финалгача чиқиди. «Сув париси» Халқаро турнирида Дарья Можаева ва Наталья Корнеева кумуш ҳамда бронза медал-

ларини қўлга киритди.

2003 йил июнь ойида сув спорти бўйича Барселонада ўтказилган жаҳон чемпионатида терма жамоамиз ҳам фаол қатнашди. Жамоа аъзолари Марина Абрашқина ва Элира Муборақшина дунёнинг ўттиз кучли спортчиси орасидан жой олиб, 2004 йил Афинада ўтказилган Олимпия ўйинлари учун йўланмани қўлга киритди.

Ҳозирда Ўзбекистон миллий терма жамоаси сафида 22 нафар спортчи қизлар мавжуд. Тошкентда барпо этилган сув спорти хавзаси Халқаро федерация томонидан юқори баҳоланди. Халқаро мусобақаларни ўтказишга мослашган замонавий сув хавзасида 2000 йилдан буюн «Сув париси» халқаро турнири ўтказилмоқда.

«Туркистон-пресс»

Малловлар

Табиатни асраб авайлаш ишига ўз ҳиссамизни қўшиш ҳозирда барчамизнинг вазифамиз ҳисобланади. Куз фаслининг охири кунлари Миробод туманида жойлашган 158 мактаб ўқувчилари байрам тарзида ўтказмоқдалар.

ОЛТИН КУЗГА БАҒИШЛАНДИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими томонидан ўтказилган «Кузнинг энг яхши жуфтлиги» номли қўриқтанловда 9, 10, 11-синф ўқувчилари иштирок этдилар.

«Кузнинг энг яхши жуфтлиги» номини олиш учун қатнашчилар дастурхон безатиш, ракс, кузнинг тароватли гулдастаси каби шартларда беллашдилар.

Эътиборли томони шундаки талловнинг бошқалардан фарқ қилиши, яъни фақатгина куз фаслининг нозу неъматларидан фойдаланилганлиги ўқувчиларгагина эмас,

ҳайбат аъзолари, томошабинларга ҳам жуда маъқул тушди.

Жами жуфтликдан энг кўп, 65 балл тўплаган Севара Исқандарова ва Героий Алимовлар биринчи ўринга лойиқ деб топилди.

— Кузнинг энг яхши жуфтлигини танлаш бизга осон кечмади, — дейди «Камалак» болалар ташкилотининг туман бўлими раиси Мунира Кўчқорова. — Лекин шунга қарамай, ушбу танловга астойдил тайёргарлик қўрган мажмур жуфтликни ҳар тарафлама зукко, чаққон голиблар деб эълон қилдик.

Юлдуз УСМОН

Шарқ дурдоналари



● Ховлиқиш, шошилиш — пушаймонликнинг синглиси. Шошмашошарлик пушаймонликдан ажралмайди. Шошилиш бўлган ерда надомат ҳам бўлади. Шошма-шошар бўлмасанг, муродинг осонлик билан ҳосил бўлади.

● Улфат ва муҳаббатнинг шарти каллолуфсиз бўлишидир.

● Нодоннинг дўстлиги кулфат ва машаққатдан ўзга нарса ҳосил этмайди.

● Ўз мартаба ва даражасини билмаган, ўзини ҳаммадан юқори тутган киши — эътибор ва илтифотдан соқитдир. Ҳеч ким уни кўзга илмайди.

● Очик ва мулоимлик билан сўзлаш қаҳр-ғазабни кишининг ғазаб ўтига суф каби таъсир қилади, яъни суф ўтни ўчирган каби мулоим сўзлаш ҳам ғазабни кишининг аччиғини пасайтириб, кўнглини юмшатади.

Байт: **Ҳамама одамга сен яхши қилиқ қил, Тилингни хуш, чиройингни илиқ қил.**

● Қаҳр ғазабни енгган киши келгуви истироҳатини таъмин этади.

● Шайх Саъдий айтиди: — Йигитлик ёшимда зўр куч-қувватга эга эдим, ўзимдан кичик ва кучсизларнинг кўлларини қайириб, дилларига озор берардим, ҳамма мендан безган эди. Ниҳоят бир кун ўзимдан қувватли кишининг муштини едим. Шундан кейин ҳеч кимга зўравонлик қилмадим. Эй ўғил! Кучим бор деб зўравонлик қилма, ҳеч кимга жабру жафо айлама. Агар зўравонлигингни давом эттирсанг бир кун зўравонликнинг қандай кўнгилсиз натижани берганини кўрасан.

Байт: **Чоҳ қазиса бировга биров эй ёр, Унга ўзи йиқилур деган масал бор.**

● Арасту Ҳаким айтиди: — Маишатга кифоя этарлик давлатга эга бўлган киши ундан ортиқчани талаб қилмасин. Беш қўлини оғизга тиккан киши бениҳоят қайғу аламларга гирифтор бўлади.

● Машҳур олимлардан Жамолдин Мухаммад айтиди:

— Бир бой киши хизматқориға ўзининг зийнатли асбоблари, насл-насабини сўзлаб, улар билан мақтанди. Бойнинг сўзларини хизматчиси рад қилиб, шундай жавоб берди:

— Сиз чиройли қимматбаҳо кийимлар кийиб, ўзингизга зеб бергансиз, у зийнат сизда эмас, кийимлардадир. Минган отингиз билан мақтансангиз зийнат, комиллик сўзда эмас отингиздадир. Ота-боболарингиз фазилатлари билан ифтихор қилсангиз у фазилатнинг эгалари — улардир, сиз эмассиз. Агар фазилатларнинг эгалари ўз ҳақларини қайтариб олсалар, сизга ҳеч нима қолмади. У фазилат сизга ўтмагани сабабли қайтариб олишининг ҳождати ҳам йўқ. Бошқаларнинг зийнатлари билан зийнатлана олмайсиз. Хулқ-атворингизни тузатинг, фазилатли бўлинг. Мана бу ўз зийнатларингиз бўлади. У вақтда ўз зийнатингиз билан ифтихор қилишга ҳақли бўласиз.

Байт: **Кутма дардинга даво, пасткаш, курумосқ кимсадан, Ким чибён ниши билан олғай оёқлардан тикан.**

Ўзбекистон Фанлар академиясининг 60 йиллиги олдидан

ОЛИМЛАР ХИЗМАТИДАГИ ЗИЁ МАСКАНИ

Ўзбекистон Фанлар академиясига қарашли Асосий кутубхона тарихи мамлакатимиз фани ривож билан чамбарчас боғлиқ. Бу ерда кўплаб таниқли олимлар, давлат арбоблари ўз билим ва тафаккурини юксалтирган ва бу жараён ҳамон давом этмоқда.

Бугунги кунда кутубхона жамғармаси 5 миллиондан зиёд нашрни ташкил этади. 130 нафар ходим китобхоналарга беминанат хизмат кўрсатмоқда.

Зиё масканининг хазинаси мамлакатимиз олимларининг илмий изланишларидан ташқари жаҳон илм-фани намояндалари тадқиқотлари ақс этган адабиётлар билан ҳам тўлдириляпти. Кутубхона Фанлар академияси тизимидаги ўттизга яқин шундай муассасалар учун илмий-амалий ва услубий марказ сифатида хизмат кўрсатиб келмоқда.

Кутубхона жамғармасида сақланаётган илмий нашрлардан академия тизимидаги

ҳодимлардан ташқари, олий ўқув юрталари ўқитувчи ва талабалари, тиббиёт, адабиёт ва санъат намояндлари, халқ хўжалигининг турли жаҳаларида ишлаётган мутахассислар ҳам фойдаланади.

Кутубхона хазинасини жамлаш ва сақлаш ишларини тақомиллаштириш, китоб ихлосмандларининг адабиёт ва зарур ахборотга бўлган талабини қондириш доимий эътиборда.

Уларга янги технологиялар асосида хизмат кўрсатиш мақсадида 1994 йилдаёқ иш жараёнларини автоматлаштириш ва адабиётларнинг электрон каталогини яратишга киришилган эди.

Хозир у маҳаллий компьютер тармоғига эга бўлиб, янги адабиётлар электрон каталоги шаклланиб бормоқда. Унинг базасида 28 мингга яқин китоб ҳақида маълумот мавжуд. Кутубхона компьютерлари Интернет тармоғига уланди.

Янги технологияларни иш жараёнига татбиқ этувчи АЙСИС-НИТ ассоциацияси, Ҳамдўстлик ва Болтиқбўйи мамлакатлари фанлар академиялари кутубхона раҳбарлари кенгаши билан изчил алоқа йўлга қўйилган.

Зиё масканида Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб ўқув марказига эга бўлган «Автоматлаштирилган кутубхона модели» ҳамда «Академик кутубхоналар консорциуми» лойиҳаси амалга оширилди. Хорижий грант асосида бажарилган лойиҳа тўғрисида академиянинг беш илмий-тадқиқот институти олимлари кутубхона ахборот ресурсларидан ўзларининг компьютерлари ёрдамида фойдаланиш имконига эга бўлди.

Шу кунларда Асосий кутубхона жамоаси ҳам Фанлар академиясининг 60 йиллик тўйини муносиб нишонлашга қизгин ҳозирлик кўрмоқда.

Б.ХИДИРОВА, ЎЗА МУХБИРИ

КЕП ҚОЛИНГ, ЁҒЛИҚ СОМСА

Эрталаб ишга отланаётганимда аёлим: «Бугун Наимахонларникида бўладиган ифторлик эсингиздами? Эртаоқ қайтсанг, келишингизда ул-бул олиб келарсиз куруқ қўл билан кириб бурсак бўлмас» деб қолди.

Тўшдан кейин қайтишимда рафиқамнинг буюртмасини бажариш учун бозор ораладим. Дарвозадан киришим билан сомсапазлар бир зумда атрофимни ўраб олишди.

— Кеп қолинг, сомсанинг додасига.
— Мана биздан олинг, ичи тўла гирч мой бўлмаса пуд тўламанг.
— Кеп қолинг, еб қолинг, фақат қўй гўштию, қўй ёғидан тайёрланган.

— Мақтаётган сомсангизнинг донаси неча сўм аҳир? — сўраймиз сотувчидан.

— От билан туя бўлармиди, ота сизга 150 сўм.

— Тўғрисини айтинг сомсангизнинг ичи тўла пивё эмасми, ишқ-илиб?

Сотувчи дарҳол битта сомсани қўлига олиб уни иккига бўлдида ичиди масаллиғини кўз-кўз қилди. Чиндан ҳам сомса сифатли, харид қилса арзигудек эди. Бир йўла ундан 20 тасини олиб ҳисоб-китоб қилдик.

— Келиб туринг, отахон, — деди у қўлидаги пулни санаб туриб. — Кўрасиз ҳали «мижозим қайдасан» деб мени яна қайта қидириб келасиз...

Кечки дастурхон устига биринчи бўлиб биз олиб келган сомсани тарқатишди. Ҳаммаиз ундан битта-битта олиб тановул қила бошладик. Бошқаларни билмадим, аммо мен сомсани еган сарим ичидан гўшт ўрнига нуқул пивё чиқарди. Сомсапаз кўрсатгани бошқа,

каби давом этаверса бора-бора ҳовуз ахлатхона хизматини ўтаб қолиши ҳам ҳеч гап эмас экан, деган ҳаёлга ҳам бордик. Хуллас, шундай қошона атрофи ҳиссиз, фэйзсиз ҳолатга келган.

Чипта олиб ичкарига кирдик. Иккинчи қаватдаги пешайвоннинг ярмидан кўпи тўсиб қўйилган. Қолган қисмидаги стуллар томошабинлар билан банд. Соатга қарасак кино бошланшига ҳали ярим соат бор. Ҳозир томоша зали очилиб қолса бемалол ўтирармиз, дея ўзимизга тасалли бериб тик оёқда туравердик. Қарасак борган сари томошабин кино зали эшиги томон ёпирилиб келяпти. Лекин эшик ҳамон берк.

— Қачон залга киргизасизлар? — сўраймиз хизматчилардан.

— Ҳали анча вақт бор. Яна бироз кутишингизга тўри келади.

Кино бошланшига тақаб эшик очилди. Одамлар ур-тўполон билан бирдан ўзларини ичкарига ўришди. Сабабини кейин билмас улар қулайроқ жойга ўтириб олиш учун шошилишаётган экан. Қўлимиздаги чипта эса ўриндиқлар рақами кўрсатилмаганини шунда пайқадик. Биз ҳам ҳарқалай ичкарига кириб жойлашиб олдик. Кино бошланса ҳамки, одамлар гала-говури тиммасди. Кечроқ чипта олиб ичкарига кирганлар бўш ўриндиқларни қидириш билан овора. Киносанснинг деярли ярами ўтгунча шундай ҳолат ҳукм сурди. Устига устак бизнинг икки томонимизда ўтирган ёш-яланглар пистахўр экан. Тинимсиз гаплашиб кишининг гашини келтирадиган даражада қаршиллатиб писта чақишдади, ҳеч кимдан тортинмай-нетмай оғиздаги писта пўчқларини оёқ остига туфлаб ташлашади. Улардан бирини тартибга чақириб балога қолдик.

— Ишингиз бўлмасин, олдингизга қараб киноингизни кўраверинг, — деди у жеркиб. Яна бир оғиз гапирсак ўртада жанжал чиқадикин. Нақадар асабимиз бузилмасин, индамай қўя қолдик.

Хуллас бир алпозда кино ниҳоясига етди. Залдан чиқар эканмиз

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

буниси бутунлай бошқа эди. Ёнимдаги шеригим сомсани ярмини еяр-емас дастурхонга қўйди. Ўтирганларга қарасам уларнинг ҳам иштаҳаси ўз-ўзидан сўниб бораяпти.

— Ҳозирги сомсапазлар ҳам устаси фаранг бўлиб кетишган-да, — деди меҳмонлардан бири қўлидаги яримлаган сомсага қарай туриб. — Ичиди гўшт деган нарса кўринмайди-я. Ёғ ўрнига ҳам пивё тикишибди азаматлар.

Бу гаплардан мулзам бўлсамда ўзимча хайриятки ушбу номи тилга тушган сомсани биз олиб келганимизни ўтирганлар билишмайди, дея ўзимга тасалли бераман. Барибир нима бўлганда ҳам сомсапаз тушмагур одамни хижолатга қўйди-да. Ўтирганларку билмас, лекин хондон эгаси ярим-ёрти ейилмай қолган сомсаларни қўриб ҳарқалай бизга раҳмат айтмас.

Эртасига сомсапаз айтгандек «миннатдорчилик» билдириб икки оғиз «ширин» сўз айтиш учун уни қидириб бордим. Афсуски бугун у жойида йўқ эди. Ен-атрофдагилардан сўрасам:

— Эй отахон, бу ер катта бозор бўлса, бир кунда кимлар келиб-кетмайди дейсиз. Уларнинг ҳар бирини биз сўраб-суриштириб ўтирибмизми, — дейишди. Кейин:

— Агар сизга ёғлиқ сомса керак бўлса мана марҳамат ўзимиздан олаверинг, — дея бир зумда аридек атрофимни ўраб олишди. Раҳмат айтиб улар даврасидан аранг кутулиб чиқдим.

Бордию сизга ҳам зарурат тўғрисида керак бўлиб қолса шошилманг, азизлар. Танланган сомсангиздан аввало икки-учтасини тановул қилиб қолганлари ҳам шунча сифатли эканлигига ишонч ҳосил қилганингиздан кейин харид қилинг.

САРОЙДАГИ НОХУШ МАНЗАРА

Буоқ мутафаккир Алишер Навоий номи билан атагувчи Санъат саройига «Мунис онам» кинофильмини кўргани бордик. Бир вақтлар бу қошонанинг ўзигина эмас, ҳатто унинг теварак-атрофидидаги орасатлик, фэйзбўлиқ бу ерга келган ҳар қандай кишининг диққатини ўзига тортарди. Шу боисдан унинг ҳудудидаги сўлим яшил майдонлар, дарахтлар, фавворалар теварига томошабин ва дам олувчилар билан гавжум бўларди. Эндичи? Қани ўша кўриниш, ўша кўркамлик, ўша гавжумлик? Афсуски, бугун у худди келинлик сеплари йиғиштириб олинган уйдек ҳувиллаб ётибди. Кузги хазаонреғилик бир сари, йўлчалар, майдонлар ифлос, у ер-бу ерда қоғоз парчалари, писта пўчқалари, папирос қолдиқлари кўзга ташланади. Сарой рўнарасидаги сувсиз ҳовуз ичиди ҳам турли чикиндилар. Агар қаровсизлик шу

оёқ остига назар ташлаймиз. Писта пўчқалари, йиртилган чипта парчалари, эски газета бўлақлари. Бир сўз билан билан айтганда тўла хўжасизлик. Нега шундай, дея ўйланамиз. Ахир шаҳримизнинг куриқ бўлган бу қошолада ҳаммиша тартиб-интизом бўлар, бирон-бир адабиёт томошабин учрагудек бўлса хизматчилар уларни оғохлантириб турар, кино кетаётган вақтда залда тинчлик ҳукм сургани учун ҳатто пашша учса билиниб турардики. Ниманинг, кимнинг қўзи тегди экан? Ахир бундай аҳвол қачонгача давом этиши мумкин? Не умидлар билан ушбу қошолага кино кўргани келган томошабин қачон уйига бу ердаги маданий хизматдан мамнун бўлиб қайтади?

КЎЗ ТЕГМАСИН

Яшил чироқ нимага хизмат қилади? Тўғри, топдингиз Машина ва йўловчиларнинг қатновини тартибга солиб туриш учун. Айниска катта йўл чорраҳасига ўрнатилган яшил чироқнинг беминанат хизматини ҳеч нарса билан таққослаб бўлмайди. Бордию ўша жойда, бир кун у порламай қолсачи? Ана унда кўринг бебошликни, тартибсизликни.

Амир Темур кўчасининг Шаҳристон бекати ҳаммиша гавжум. Бу ердан ўтадиган транспортларнинг ҳам, йўловчиларнинг ҳам сон-саногий йўқ. Бир томони метро, бир томони автобус, трамвайларнинг тўхташ жойи. Тўрт томонлама йўлда кечасио кундузи ҳаракат тинмайди. Лекин сўнгги вақтларда бу ердаги яшил чироқ тез-тез ишламайдиган одат чиқарди. Шундай кезларда йўловчилар ва транспорт ҳаракати ўта қийинлашади. Қойдабозар ҳайдовчиларнинг куну тугади. Улар дуч келган томондан йўлни солиб кетаверишади. Ишқилиб улар тўхтовсиз ўтиб олса бўлгани, бошқаси билан ишлари йўқ, Диққатпаз ҳайдовчилар норозилик билан шикоят қилишади.

— Шунчақ тизгиз пайтларда ҳеч бўлмаса бирон-бир йўл назоратчиси ҳаракатни бошқариб, уни тартибга солиб турса бўлмасмикан?

Унга жавобан иккинчиси сўз қотди:

— Уларга зарил келибдими, эртадан кечгача тик оёқда туриб. Кўпинча улар киши билмас пасткам жойларда туриб ўтган-кетган машиналарни бўлар-бўлмасга тўхтаиб, ҳайдовчиларнинг асабига тегишни ёқтиришади.

«Шаҳристон»да шундай ҳолат уч-тўрт кун давом этди. Қачна асаб-бузарликлар, нохушликлар содир бўлди. Хайриятки, ҳозир яшил чироқ ишлаб турибди. Ишқилиб унга яна кўз тегиб қолмасинда.

Рамазон Ҳайити байрамадиге кутлуг кунлар арафасида турибмиз. Шундай кунларда айниқса меҳр-саховатга ташна инсонлар, ноғирон, етим-есирлар ҳолидан хабар олиш, кексалар хожатини чиқаришдек қадриятларимиз, урф-одатларимизнинг ажойиб томонлари бўй кўрсатади. Буларнинг бари яхши, албатта. Бироқ кейинги пайтларда айрим азалий удумларимиз дабдабозлик, манманлик, ортиқча даҳмазаларга айланиб кетаётганлигидан ҳам кўз ююлмаймиз. Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқларида таъкидлаб ўтганларидек, «...ҳар қандай соғлом фикрга зид бўлган сохта урф-одатларга берилиб, ўзининг табиати ва салоҳиятига, даромадига тўғри келмайдиган, балки унга катта зарар етказадиган тўй ва маросимларни ўтказадиган одамларни тушуниш қийин.

...Чуқур ўйлаб кўрсак, тарихимизни эсласак, ҳақиқий қадриятларимизнинг мағзини чақсақ, бу ортиқча даҳмазалар одамларимиз елкасига машаққатли бир юк, аниқроқ айтганда, доимий оғир мажбурият бўлиб тушаётгани аён бўлади».

Аслида анъаналаримиз, урф-одат ва удумларимиз халқимиз маънавиятини ошириш, миллий қадриятларимизни ривожлантиришга хизмат қилиши керак.

Тўғри, ўтган бир йил ичида жойларда тўй ва маърака, ҳайит маросимларини ихчамлаштириш, ортиқча харажат ва захматларга чек қўйиш борасида кўпгина ибратли ишлар амалга оширилди. Шундай бўлса-да бу борада ҳали муаммо ва камчиликлар ҳам етарли.

«Тошкент оқшоми» ва «Тошкент» телеканали ҳамкорлигида шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, маҳалла жамоатчилиги, турли соҳалар вакиллари иштирокида ўтказилган давра суҳбатига ҳам қадриятларимиз моҳияти, удумларимизга зид ортиқча харажатлар, дабдабозликнинг олдини олиш юзасидан қандай ишларни амалга ошириш лозимлиги ҳусусида сўз борди. Куйида давра суҳбати давомида билдирилган муҳим фикр-мулоҳазалар, қимматли таклифлар билан танишасиз.

Фарида АБДУРАХИМОВА,

Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси:

— Дарҳақиқат, Юртбошимиз кўпгина йигинлар, сессияларда урф-одат, анъаналаримиз мустақиллигимизни мустаҳкамлашга хизмат қилиши лозимлиги, урф-одат ва бидъат ўртасидаги фарқни халқимиз англаб олиши кераклиги тўғрисидаги масалаларга эътибор қаратиб келадилар. Шу масалада жамоат ташкилотлари, хотин-қизлар кўмиталари, «Маҳалла», «Камолот» ташкилотлари, олим, мутахассисларимиз ҳар доим бир жону бир тан бўлиб фаолият юритишлари, оммавий ахборот воситаларида ҳам бунга кенг ўрин ажратилиши лозимлиги тўғрисидаги вазифани олдимизга қўйганлар. Шу сабабдан ҳам биз бугун даврамизга олимларни, ҳуқуқшунослар, ёшлар, маҳалла оқсоқолларини таклиф этдик. Мақсадимиз қадриятларимиз, удумларимизнинг асл мақсад-моҳияти нимадан иборат эканлигини яна бир бор таъкидлаган ҳолда шу билан бирга дабдабозлик, ортиқча харажатлар, исрофгарчиликнинг олдини олиш юзасидан биринчи навбатда нима-ларга эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида фикр юритишдир.

Шуни айтиш керакки, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси яқинда ҳокимлик билан бирга таҳлил ўтказди. Унда ўтган Ҳайит билан бу Ҳайит ўртасида Тошкент шаҳри бўйича 3370 та оилаларда тўй бўлганлиги аниқланди. Шундан 1468 та оила киз узатган, 1902 таси ўғил уйлантирган. Мана энди бугун ким билан гаплашсак, айниқса киз узатган хонадонларда Рамазон файзли ой, лекин анча харажатларимиз бор. Қизим Ҳайит қилади. Унга-бунга тоғора буюргандим. Шунинг нарсаларини етказишни керак дея ташвишга тушади. Ваҳоланки Ҳайит қариндош-уруғларни йўқлаш, беморларнинг кўнглини олиш билан ўтадиган катта байрамимиз. Лекин байрамни ташвишга айлантирадиган ҳолатлар ҳам шахримизда учраб туради. Мана шуларнинг олдини олиш юзасидан оқоридаги таҳлилларни амалга оширган нимада 2000 га яқин ўғил уйлантирган хонадонларда 3 кун ҳайит қилинмаслиги ойдinлашди. Шу хонадонлардан 120 таси 2 кун, қолганлари эса 1 кун Ҳайит қилиши билдирган. Бу ҳам маҳалла, жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари орқали олиб борилган ишларимизнинг натижасидир. 323 та хонадон эса келин Ҳайити маросимини қилмаслигини, бунинг ўрнига кекса қариндош-уруғларни бориб кўриши, байрамонга тарзда ўтказиши айтиди. Ҳайитнинг биринчи кунини келин-куёвларимиз, айримларини қайноналари билан Самарқандга, Зангиотага сафарга жўнатылмиш. Ун нафар келин-куёв эса хорижий давлатларга кетишяпти. Бу ҳам ўйламанки, Ҳайитнинг асл моҳиятига аста-секинлик билан бўлса-да, етиб бораётганлигимизни кўрсатадиган мисолдир.

Яна бир муаммо. Ҳайит ўтганидан кейин ёки учинчи кундан бошлаб оғир аҳволда, касалхона бўлимларига келаётган келинлар сони 2-3 барабар ошиб кетади. Демак, ҳомилалар аёлларимизда ҳар соатда кийимини алмаштириш, таниган-танимаган одамга икки букилиб салом қилиш оқибатида зўриқиб сабабли шундай ҳоллар юзга келмоқда.

Бундан ташқари Ҳайит тоғоралари сабаб куда-андалар ўртасида ортиқча гап-сўзлар, ёш оилаларнинг ажралишлари келиб чиқяпти. Бу борада Юртбошимизнинг 1998 йилдаги тўй, маърака ва бошқа маросимларни ихчамлаштириш тўғрисидаги Фармонлари Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан тўй маросимлари ва бошқа маъракаларни меъёрида ўтказиш тўғрисидаги фатво чиққанлиги ҳаммага маълум.

Бу йил шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан шаҳардаги барча меҳрибонлик, қариялар уйларида, мактаб-интернатларда Ҳайит маросимлари ташкил қилинган. Биз маҳаллаларда Ҳайит қиладиган келинларни меҳрибонлик уйларида олиб бориб концерт номерлари, келин саломларни уюштиряпмиз.

Лекин ўринли савол туғилади. Нима учун шунчалик харажатга қарамай кам бўлса-да ҳам дабдаба билан Ҳайит ўтказяётган хонадонлар учраб турибди?

Соҳиба АБДУЛЛАЕВА,
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридagi Дин ишлари кўмитаси хотин-қизлар билан ишлаш шўъбаси ходими:

— Мазмун жиҳатдан олсак Рамазон меҳр-мурувват, беморлардан хабар олиш, муҳтожларга ёрдам бериш каби савоб амаллар бажариладиган файзли ой. Яқинда исломий бир аёлнинг Ҳайитга муносабатини билдим. У келин Ҳайити қилиши, тоғоралар юборишини айтиди. Ахир мусулмон давлатларида келин Ҳайитлари ўтказилмайдик-ку. 30-40 та тоғора қилиб, ўзини қийнашдан нима фойда? Айрим маҳаллаларда баъзи тadbирлар урф-одат деб ўзлаштириляпти. Яқинда эшитдимки, бир оилада болалар оналарига телевизор тагига жавон олиб беришган. У аёл эса куда томондан тоғора ўрнига телевизор юборишларини кутган... Кўпчилик шу тариқа Ҳайитнинг моҳиятини тушунмай ўзини қийнаб турли касаликларга чалиниб, соғлигини йўқотяпти.

Ўтган йили кўпчилик ёш-ёш қизларнинг келин Ҳайитлари ўтадиган хонадонларни излаб юрганларининг гувоҳи бўлдим. Бу қизнинг маънавияти қандай бўлади? Чунки унинг кўзи дастурхонда, келин кийимларида. Бу ҳар бир оилада ўйлаб кўрадиган тарбиявий масала.

Лълихон МУХАММАДЖОНОВА,
Ўзбекистон Миллий университети хотин-қизлар кўмитасининг раиси:

Кеча бизда ҳам хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан Ҳайит байрами муаммосига бағишланган тadbир ўтказилди. Биз биламизки, оиланинг етакчиси эркак

бўлса, йўналтирувчи кучи аёлдир. Менимча бугунги кундаги катта муаммо оиладаги эркакларимиз ўрнини кўтаришдир. Келин тушган хонадон соҳиби бош бўлиб аёлни кўндирса ва улар куда тарафга ўз фикрини билдиришса, аёл «ўжайимин шу гапни айтди», деса ҳеч ким ҳеч нарса қила олмайди. Шундай қилсалар муаммонинг ечимига эришамиз. Яқин қариндош-уруғларнинг ўзи келиб бир кун ичида чиройли тарзда Ҳайитни ўтказишса, ортиқча харажат ҳам бўлмайди. Бундай қарасангиз, деярли ҳар бир киз узатган, Ҳайит ўтказган хонадоннинг қарзи бор, «Кўрпанга қараб оёқ узат», деганларидек энг асосийси меъёрдан четга чиқмаслигимиз керак. Ҳатто Япониядек ривожлан-

лиги учун кўпчилик ўрта ҳол оилалардаги ота-оналарнинг кўнгли ўқсийди. Бундан ташқари келинларимиз Ҳайитни ўтказган оилалар қарзи келинларнинг эса тушунган оилалар қарзи бўлиб кетишяпти. Уйламанки, бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олишнинг аллақачонлар вақти келди. Энг муҳими, келинлар урф-одатларимизни билиши, юксак ахлоқли бўлишлари керак. Улар Ҳайитларда дўппи, атлас каби миллий кийимларимизни кийсалар ҳам урф-одатларимизга тўғри келадди, ҳам кўнгилдаги иш бўлади.

Озода АБЪЗОВА,
Шайхонтоғ тумани «Тинчлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси:
Уйламанки, маҳаллаларда кўпроқ аёл-

ганда анча ихчамлашяпти. Деярли барча хонадонларда у бир кунда ўтвяпти. Дастурхондаги ортиқча нарсаларни эса тушунган оилалар қарзи бўлиб кетишяпти. Мана шундай хайрли анъаналарни ривожлантиришимиз лозим.

Шоира ҚОСИМОВА,
Собир Раҳимов туманидаги Накшбандий маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Кейинги пайтларда шундай воқеалар ҳам бўляптики, баъзи йигитлар ориятини йўқотяпти. Турмуш ўртоғига «Ойинг тоғора қилмаса телевизор олиб берсин», дейётганлар бор. Ахир отасиз қизлар, қий-

Фотиҳ АСКАРОВ,
Шайхонтоғ туманидаги Хувайдо маҳалласи оқсоқоли:

— Шу йили маҳалламизда 23 та тўй бўлиди. Улар ихчам, давр талабларига мос равишда ўтказилляпти. Тўйлар асосан бир кунда, чарларларсиз ўтвяпти. Ҳайит маросимлари ҳам маҳалламизда бир кундан ошмаяпти. Маъракаларни ҳам асосан кўни-қўшиллар, қариндош-уруғлар иштирокида ихчам тарзда ўтказишга ҳаракат қилляпмиз. Энди бевосита Ҳайит байрамига келсак, ўтган йилга нисбатан бу йил анча кескин ўзгаришлар бор. Сўхбат ўтказилган хонадонлар ўз имкониятларидан келиб чиқиб меъёрида тоғора юборишяпти. Маҳалламиздан 2 та ёш оила Самарқандга зиёратга боришини ният қилди. Менинг ўзим ҳам бу йил неварамни узатдим. Куд-андалар билан келишдик. Кудаларимиз столи ўзимиз тўлдирамиз, меҳмон бўлиб келсанлар бўлди дейишяпти. Албатта ҳамма ҳам шундай тушунчага эга эмас. Бинобарин, тушунириш ишларини амалга оширишда маҳаллалардаги хотин-қизлар комиссиялари, тўй комиссияларининг ўрни катта.

Феруза АКРАМОВА,
ҳуқуқшунослик фанлари номзоди, доцент:

— Жуда яхши муаммо кўтарилди. Агарда таҳлил қиладиган бўлсак, дунёдаги энг олий неъмат, бу — инсон. Бизда ҳозир инсон нарсаси учун психологияси амал қилляпти. Ҳатто мактабдаги бошланғич синф ўқувчиси ҳам Ҳайитга боришим керак деб ўйляпти. Ёшларнинг ўзи байрам кунда ўзини кўрсатиш учун турли либосларни кийишга ҳаракат қилади. Аслида Ҳайит кунларида меҳрибонлик уйларида эҳсон қилиш, ётуғлик қилсаларни кўриш, кексаларимизнинг дуоларини олишимиз керак. Шаҳар ҳокимлигининг ташаббуси билан Ҳайит кунларида ёш келин-куёвлар учун муқаддас зиёратгоҳларга сафар уюштириляётгани нур устига аъло нур бўлди. Зеро ўтганлар руҳи бизга қанот бўлади. Муаммоларимиздан холи бўлиш учун маҳаллалардаги фаол инсонлар ҳар бир хонадонга йўл топиб, тушунириш ишларини олиб боришлари керак. Зеро инсон қанчалик бойимасин ҳамма нарсанинг чек-чегараси борлигини, эртасига ҳаёти бутунлай ўзгариб кетиши мумкинлигини унутмаслиги жоиз. Муҳими, ҳамма ишда меъёр бўлса бас. Аёлларда ҳамма томонларини ўйлаб иш қилишга мойиллик бўлса, эркакларимиз аниқ фикрлайди. Аёлларимиз ҳамма нарсанинг яхши томонини ўйласалар, эркаклардан ҳам маслаҳат олсалар айни муддао бўлар эди.

Фарида АКБАРОВА,
Шайхонтоғ тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси:

— Бугунги кунда маҳалла оқсоқоли ва маслаҳатчиларининг сайлови қизгин паллага кирди. Халқ ҳар бир оқсоқолнинг қадамини кўради. Кишини хурсанд қиладиган томони шундаки, яқинда «Кўкча» маҳалласида ибратли ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Оқсоқоликка номзодга маҳаллада неча келин тушган хонадонда Ҳайит ихчам ўтади, деган саволни беришди. Жавобдан барча қониқди. Ўзингизда қандай десам, номзод «Мен ҳам яқинда неварамни узатдим. Кудаларим «Сиз оқсоқолсиз, биз зиёлимиз. Келинг, Ҳайит байрамида ёшларни саёхатга жўнатылик», деган фикр билдиришди, дея жавоб берди.


Демоқиманки, «Отанг-маҳалла, онанг-маҳалла», деганларидий ҳар бир ишда оқсоқол ва фаоллар шайхий намуна кўрсатгандагина иш ижобий томонга ўзгариши мумкин.

ТАҲРИРИЯТДАН: дарҳақиқат, келин Ҳайити тоғоралари ва дастурхони, келинлик либослари, турли маросимларнинг ортиқча зеб-зийнат ва дабдабаларсиз ўтказилишига эришиш бугунги куннинг долзарб ва ечимини кутаётган муҳим муаммолари сирасига кириди. Давра суҳбати қатнашчилари улар юзасидан атрофдаги фикр юритишди, ўринли фикр-мулоҳазаларни ўртага ташлаб, жойларда татбиқ этиляётган илгор тажрибалар билан ўртоқлашдишди. Бу борада жамоат ташкилотлари, давлат тизими ва оммавий ахборот воситаларининг ўрни катта эканлиги, зарурат бор экан шу каби давра суҳбатлари, турли анжуманлар, учрашувлар, тушунириш ишларини йил давомида мунтазам олиб бориш лозим эканлигини қайд этишди.

Уйлаимизки, келин-куёвларнинг зиёратгоҳларга боришларини ташкил этиш, меҳрибонлик уйларида хайрия-мурувват тadbирларини ўтказиш каби хайрли ташаббуслари ўз натижаларини беради.

ЭСЛАТМА: ушбу давра суҳбатига билдирилган фикр-мулоҳазалар билан 23 ноябрь яқшанба ва 24 ноябрь душанба кунлари ТТВ каналда бериладиган «Ҳамшаҳарлар» кўрсатувининг махсус сони орқали танишингиз мумкин.

МУҚАДДАС АНЪАНАЛАРИМИЗ ВА ЗАМОН ТАЛАБИ



«Тошкент оқшоми» ва «Тошкент» телеканалда ҳамкорлигида давра суҳбати

ган мамлакатда ҳам никоҳ тўйига узоғи билан 80 кишигача меҳмон таклиф этилар экан. Шундай ўринли тажрибаларни ҳаётимизга татбиқ этсак бўлади-ку.

Нигора АБДИЕВА,
Тошкент Давлат юридик коллежи талабаси:

— Кейинги пайтларда Ҳайит маросимларимиз ўзини кўз-кўз қилиш мақсадида ўтказилиб, тоғора базмга айланиб кетяпти. Ортиқча исрофгарчиликка йўл қўйилляпти. Ҳайитларда келинлар бир пиёла чой ичганингда қадар 3-4 хил кийим кийиб ўзини кўрсатади, бу ҳам маданий, ҳам маънавий жиҳатдан зарарли одатдир.

Феруза ЗАРИПОВА,
Тошкент Давлат юридик коллежи талабаси:

— Ҳайитда келинлар ўзларига оро беришади, ижарага шарқона урф-одатларга тўғри келмайдиган кийимлар олишади. У бир томондан қиммат бўлса, иккинчи тарафдан гигиенага ҳам тўғри келмайди. Уйлаиманки, ёшларимиз бундай масалаларда ўз ота-оналарини қийнамасликлари керак. Тоғора масаласида ҳам уни дабдабали тарзда юбора олмаган-

лар билан тарғибот ишларини олиб бориш керак. Зеро ана шу ишларда бош-қош бўладиганлар аёллардир. Улар қизим янги уйда тиниб-тинчинсн дея худа-бехуда ҳаракат қилишади. Бундан эркаклари ҳам қийналишади. Ахир Ҳайит ўтгандан кейин асабийлашиб яшашдан нима фойда? Биз маҳалламизда яхши бир анъанани йўлга қўйдик. Унга кўра келинларимиз ўзлари пиширган пишириқларни олаб, кексалар, беморлар ҳолидан хабар олишади. Келажакда бу анъана давом эттаверадди. Уни кўрган ёшлар ҳам шундан ўрнак олишади. Маҳалламизда 16 та киз узатган хонадон бор. Биттасиникига кирсак ёш келинчақ йиғлаб ўтирибди. Қайнонаси «Онанг яхши нарсаси қилсин, тоғораларнинг сони ҳам кам бўлмасин», дебди. Биз унинг онаси билан суҳбатлашдик. Ўрта ҳол хонадон экан. У билан тушунириш ишлари олиб бордик. Мана шу каби тўй қилган хонадонлар ҳолидан хабар олиш фойда беради. Бу йил маҳалламизда иккита хонадон Ҳайитни ўзганга ўтказишяпти. Келин-куёвлар Самарқандга зиёратга отланишяпти. Бунинг қувонарли томони шундаки, бу йилги Ҳайит маросимлари аввалги йилларга қара-

налиб яшаётган оилалар ҳам бор-ку. Либослар масаласида ҳам ўз фикрларим бор. Халқимизда пок ё нопок тушунчалари бор. Ахир ижарага олинаётган кийимларни нопок аёллар кийган бўлиши ҳам мумкин-ку. Шукрки, аксарият қизларимиз одолиб, ориятли яхши оиланинг фарзанди. Лекин келинлик, Ҳайит кийимларини кўриб хайратдан ёқа ушлайсан киши. Ахир Европага тақлид қиладиган вақтларимиз ўтиб кетди. Ўзимизнинг миллий маданиятимиз, қадриятларимиз анча устун эканлигини тушуниб етаяпмиз.

Муаттар СОДИҚОВА,
Чилонзор тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси:

— Туманимизда шу йил ичида 132 та тўй ўтказилган бўлса, 25 та ёш оилани Ҳайит маросимларини ўтказиш ўрнига, зиёратгоҳларга жўнатылмиш. Масалан, «Гулистон» маҳалласида 15 та хонадонга келин тушган бўлса бирортасида ҳам келин Ҳайити ўтказилмапти. Аслида муаммоларни ўзимиз ўйлаб топиб, кейин тиниб-тинчимаймиз. Биз қизларимизга ёшиқдан сеп йиғамиз, йигитларимизга эса сабот, қаноти, гурур йўқолиб боряпти. Ҳамма нарсаси тарбияга, тарғибот, тушунириш ишларига боғлиқ. Ота-оналар фарзандларини сепли эмас, эгли этиб тарбиялашса, кўпгина муаммолар ўз ечимини топан бўлади.

Озода ТУЛАГАНОВА,
шаҳар отинийиси:

— Муборак Кўрғони қаримда ҳам миннатли эҳсоннинг қабул бўлмаслиги ёзилган. Миннат ва азият билан эҳсон қилгандан кўра икки оғиз ширин сўз айтганлик маъқулдир. Қийналиб қилган тоғоралар эса албатта миннатли бўлади. Дарҳақиқат, кейинги пайтларда кудалар ўртасидаги низолар асосан тоғоралар орқали келиб чиқяпти. Мен барчамиз Яратганнинг розилиги олинадиган эҳсонлар қилишимизни истардим. Кеча узатган киз ордидан тоғоралар юбориш шартикан? Аввало барчамизнинг қалбимиз саломат бўлсин. Қалб касали эса биринчи навбатда мактаночлик, рив, манманликдан келиб чиқади. Келинг, Ҳайит кунлари нафсимизни саховатга буройлик. Пешона тери билан топан барча маблағларимизни тўғри сарф этайлик.

Малика БОБОКУЛОВА,
Собир Раҳимов туманидаги «Университет» маҳалласи хотин-қизлар комиссияси раиси:

— Бизнинг маҳалламизда ҳам 25 нафар келин тушган хонадон бўлса, ортиқча чикимнинг нима кераги бор деган фикр билан 7 ёш оила Самарқандга Имом ал-Бухорий зиёратгоҳига сафар қилляпти. Чарларлар ҳам деярли йўқ даражада. Дарҳақиқат, кейинги пайтларда аҳоли ўртасида олиб бориляётган тушунириш, тарғибот ишлари, тўй қилган хонадонлардаги суҳбатлар ўз самарасини берган ҳолда Ҳайит маросимларининг тобора ихчамлашиб бораётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Масалан, бу йил аксарият хонадонларда Ҳайит маросимлари бир кун давомида ўтказилса, одамлар бунинг ўзлари учун фойдадан холи эмаслигини тушуниб етдилар.

Шавкат АЗИЗОВ,
«Тошкент» телеканалининг катта муҳаррири:

— Тўғри, Ҳайит тоғоралари ўтган йили камайтирилди. Бироқ бу йил бошқача воқеаларнинг ҳам гувоҳи бўлиб турибмиз. Жумладан, яқинда кудаларликка хотин-қизлар комиссияси билиб қолмасин деган хавотир билан ими-жиммида ўн кун олдин қўтиларда Ҳайит дастурхонини юборишяётганининг ҳам гувоҳи бўлдик. Ажабланишли томони шундаки, келин дастурхонига қўйиладиган торларнинг нархи 25 минг сўмдан 100 долларгача бораркан. Энг ачинарлиси, шундай қимматбаҳо таом ва ширинликлар уч кун столда туриб бузилади, эскиради, қолаверса назар-нафас тегиши мумкин. Бундан ташқари Ҳайит тоғоралари каби ташвишларни ўйлашда ноларнинг қийналиши натижасида кўпгина чақалоқлар ҳам мия ички қон босими хасталиқлари билан асабий ҳолда дунёга келяпти. Шунча даҳмазаннинг нима кераги бор экан?!

Давра суҳбатини Дилшод ИСРОИЛОВ ёзиб олди

Боши 6-бетда.

22.40 Тайна века «Падение Красного маршала»... 23.30 Ночное «Время»... 24.00 Новое чудеса вестерн «Биг Бен»...

Россия

3.00 «Доброе утро, Россия»... 6.45 18.55 «Сериал «Линии судьбы»... 7.45 «Сам себе режиссер»... 8.45, 11.50, 14.30, 22.25, 2.45 Вести. Дежурная часть»...

ТВЦ

7.45 «Настроение»... 11.00 Россия: выходящая в эфир разведки ХХ века... 11.30 «Времена не выбирают»... 12.35 Новый фанон»...

MTV

8.00 Акселератор... 9.00 Утренняя Ru zone... 10.00 Акселератор... 11.00 3 в 1... 11.15 Акселератор... 12.00 News блок»...

ТВ-3

8.00 Путешествия по России... 9.00 «Победный голос ведущего»... 9.30 М/с «Ураганички»... 9.30 Х/ф «Убийца-меланж»...

ПАЙШАНБА, 27

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон»... 8.00-8.35 «Ахборот»... 8.35-17.55 ТВ-маркет... 8.40 Газетлар дождь»...

ТВ-3

6.00 9.00 «Завтрак с Дискавери»... 7.00 «Глобальные новости»... 7.05 «Возвращение блудного петуха»... 7.15, 12.20 «Эй, Арнольд»...

ТВ-3

8.00 Путешествия по России... 8.30 «Победный голос ведущего»... 9.00 М/с «Ураганички»... 9.30 Х/ф «Убийца-меланж»...

Информацион дам олиш дастури... 9.00 Давр... 9.15 ТВ - анонс... 9.20 «Янгй авлод»-студияси оқ кабулар, Бахтли юлларик»...

Первый канал

6.00 Телеканал «Доброе утро»... 8.30 Выборы-2003... 9.00 Новости... 9.05 Воевик «Родина жадет»... 9.10 «Земля любви, земля надежды»...

Тошкент телеканал

17.10 Курстатулар тартиби... 17.20 ТТВда сериал: «Ит уаски»... 17.45 Болажолар экранга»... 17.55 «Хориз хабарлари»...

ТВ-3

8.00 Путешествия по России... 8.30 «Победный голос ведущего»... 9.00 М/с «Ураганички»... 9.30 Х/ф «Убийца-меланж»...

30-й канал

9.00 Дастуринг очилиши... 9.05 «Теле-хамкор»... 9.30 Детский час»... 10.15 «Пауэр Рейнджерс, или могучие рейнджеры»...

20.55 К юбилею Б.Гребенникова... 18.45 «Фан равнаки»... 18.45 «Ватан равнаки»... 19.05 «Этикод мустахкамлиги айулда»...

ТНТ

6.00, 9.00 «Завтрак с Дискавери»... 7.00 «Глобальные новости»... 7.05 «Обезьянки и грабители»... 7.15, 13.30 «Эй, Арнольд»...

ТВЦ

7.45 «Настроение»... 10.50 Газетный дождь»... 11.00 Россия: выходящая в эфир разведки ХХ века»...

Россия

3.00 «Доброе утро, Россия»... 6.45 18.55 «Сериал «Линии судьбы»... 7.45 «Комната смеха»... 8.45, 11.50, 14.30, 22.25, 2.45 Вести. Дежурная часть»...

MTV

Профилактика до 7.00... 19.00 Пульс... 19.45 3 в 1... 20.00 Давай на спор!»... 20.30 Дневник: Вспомое»...

ЖУМА, 28

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон»... 8.00-8.35 «Ахборот»... 8.35-17.55 ТВ-маркет... 8.40 Газетлар дождь»...

30-й канал

9.00 Дастуринг очилиши... 9.05 «Теле-хамкор»... 9.30 Детский час»... 10.15 «Пауэр Рейнджерс, или могучие рейнджеры»...

Первый канал

6.00 Телеканал «Доброе утро»... 8.30 Выборы-2003... 9.00 Новости... 9.05 Воевик «Родина жадет»... 9.10 «Земля любви, земля надежды»...

Россия

3.00 «Доброе утро, Россия»... 6.45 18.55 «Сериал «Линии судьбы»... 7.45 «Аншлаг»... 8.45, 11.50, 14.25 Вести. Дежурная часть»...

ТВ-3

8.00 Путешествия по России... 8.30 «Победный голос ведущего»... 9.00 М/с «Ураганички»... 9.30 Х/ф «Убийца-меланж»...

«Истории о привидениях»... 1.30 Х/ф «Право отчаяния»... 3.30 Путешествия по России... НТВ... 6.00 Утро на НТВ... 8.55 «Срочно на секстретно»... ТНТ... 6.00, 9.00 «Завтрак с Дискавери»... 7.15 «Доброе утро»... 7.00 «Глобальные новости»... 7.05 «Как обезьянки обидели»... М/ф... 7.15, 12.15 «Эй, Арнольд»... 7.40 «Котопес»... 8.05 «Ох уж эти детки»... 8.30 Русская усадьба-2»... 10.05 «Первая ласточка»... Комедия... 11.50 «Остров ошкови»... М/ф... 12.35 «Дикая семейка Торнберри»... 13.30 ТВ-люб»... 14.00 «Любовь и тайны Сансет Бэй»... Сериал... 15.00 «Слова за минуту»... 15.00, 21.00, 01.00, 15 «Голод»... 17.00, 20.00, 1.00 «Окна»... 18.00 «Время денег»... 19.00 «Губка Боб Квадратные штаны»... М/с... 19.30, 00.20 Москва: инструкция по применению»... 22.00 «ТНТ-комедия»... «Ангел хранитель»... 00.20, 2.00 Наши песни»... 2.05 «Эрик-викинг»... Приключения»... 3.50 «Инспектор Шимански»... Сериал... ТВЦ... 7.45 «Настроение»... 10.50 Газетный дождь»... 11.00 Россия: выходящая в эфир разведки ХХ века»... 11.30 Концертная программа»... 12.35 Телемагазин»... 13.00, 16.00, 20.00, 24.00, 22.55 События»... 13.15 Телеканал «Дата»... 14.15 Карaoke стрит»... 15.00 Под грифом «Секстретно»... 15.10, 2.05 Петровка, 38»... 15.30 Деловая Москва»... 16.15 «Инспектор Кестер»... Сериал... 17.30 «Нарпунченуа Африка»... Телевизиал»... 18.00 Регионы: прямая речь»... 18.30 «Расследование Элоэзы Ром»... Сериал... 20.15 «Афавит»... Телеигра»... 21.00 «Разлученные»... Сериал... 21.50 Пять минут деловой Москвы»... 22.00 Выборы-2003»... 23.00 «Мужская работа»... Сериал... 00.40 Выборы мэра города Москва»... 00.45 «Народ хочет знать»... Ток-шоу»... 1.35 Времечко»... 1.45 «Опасная женщина»... Х/ф... 4.10 Мода non-stop»... MTV... 8.00 Акселератор... 9.00 Утренняя Ru zone... 10.00 Акселератор... 11.00 3 в 1... 11.15 Акселератор... 12.00 News блок»... 12.30 «Шоу»... 12.30 «Народный артист»... 12.55 «Хориз хабарлари»... 13.00 «Сериал «Линии судьбы»... 13.30 «Возвращение блудного петуха»... 13.35 «Фарз ва карз»... 13.50 ТВ-клип»... 14.10 «Дуэнь буйлар»... 14.30 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Иш рихтисли»... Бадий фильм»... 15.00 «Факлар жилоси»... 16.20 «Алломиш изидди»... Видеополос»... 16.40 1. «Секри харфлар ороличаси»... 2. Цирк, цирк, цирк»... 17.40 «Харита»... Халкарко шарх»... 18.10 «Мувозанат»... 18.30 «Тибобет одимлари»... 18.45 «Мулкдор»... 19.00 «Бир жиноят изидди»... 19.30 «Ахборот» (рус тилида)»... 20.00 «Окшом эртаклаари»... 20.15 FCN «Ўзбекистон ангилликлари» (инглиз тилида)»... 20.30 «Ахборот»... 21.05 Телемулохот»... 21.45 «Стиль»... 21.55 «Парламент вакти»... 22.15 «Ошин»... Сериал... 22.45 Синхрон сузши буйна «Сув париси» халкарко турнири»... 23.05 «Ахборот-дайд-жест»... 23.25-23.30 Ватан тим-соллари»... «Ешлар» телеканалли... 6.55 Курстатулар дастури... 7.00 «Мунаввар тонг»...

Давоми келгуси сонда

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

МУҲТАРАМ ҲАМШАҲАРЛАР!

«Тошшаҳармаишийхизматуюшма»си Сизларни Рамазон ҳайити байрами билан табриклайди. Байрам муносабати билан Обод маҳалла йилига бағишлаб 24 ноябрь куни хайрия сифатида қуйидаги сартарошхоналарда туман маиший хизмат кўрсатиш уюшмалари билан биргаликда кекса ва ногирон мижозларга бепул хизмат кўрсатилади.

2003 йил 24 ноябрь Рамазон ҳайити байрами арафасида кекса ва ногирон мижозларга бепул сартарошхона хизматини кўрсатадиган корхоналар

РЎЙХАТИ

№	Корхона номи	Манзили	Телефон
1.	«Пойабзалчи-Бешқайрағоч» МЧЖ	Акмал Икромов тумани Уйгур кўчаси, 555-уй	472299
2.	«Фарангиз-Лазӣ» МЧЖ	Халқ йўли кўчаси, 12-уй	474767
3.	«Шоҳиста-Файз» ХФ	31-мавзе, 34-хона	1708424
4.	«Вавилон-Бизнес» ХФ	24-мавзе, 13-уй, 4-хона Бектемир тумани	725145
5.	«Чень-Чунь» ХФ	Ҳ.Бойқаро кўчаси, 108-уй	1951906
6.	Х/Т Бошатов Рустам	Соловьева кўчаси, 68-уй, 41-хона Миробод тумани	
7.	«АОО Дилором» ХФ	Ш.Рашидов кўчаси, 77-уй	1525590
8.	ОАЖ «Миробод бозори», «Эргаши-ота»	Миробод бозори, 2-қават	540679
9.	«Антар» МЧЖ	К.Бешёғоч кўчаси, 204-уй	1917671
10.	«Нозанин» ХФ	Норхўжаева кўчаси, 166-уй	1916416
11.	«Аваздан» ХФ	Мунис кўчаси, 80-уй Мирзо Улугбек тумани	907851
12.	«Риналф» ХФ	ТТЗ-4 мавзе, 4-уй	649218
13.	«Моно» ХФ	Ҳумоюн мавзеси, 3 а-уй	1614689
14.	«Ойнали» МЧЖ	Оққўрғон кўчаси, 32-уй	687891
15.	«Линда» МЧЖ	Қорасув 2-мавзеси, 18-уй Собир Раҳимов тумани	657264
16.	«Меҳрибонлик» НЖ	Форобий кўчаси, 416-уй	485116
17.	«Мелихон» ХФ	Сабзор даҳаси, 17/18 13-уй	404783
18.	«Элегант-Сервис» ХФ	Қорасарой кўчаси, 2-уй, 1-хона Сергели тумани	1440041
19.	«Грация-плюс» ХФ	Сергели-3 Массон кўчаси, 1-уй	576238
20.	«Зухра-Гузэл» ХФ	Сергели-6, Деҳқон бозори Чилонзор тумани	513390
21.	«Асия-асал» ХФ	Наққошлик кўчаси, 2-уй	796669
22.	Х/Т Бикова А	Чилонзор 7-мавзе, 1-уй, 13-хона	789005
23.	«Баҳрижамол» Х/Ф	Гулистон кўчаси, 58-уй, 37-хона Ҳамза тумани	1703966
24.	Х/Т Пайзиев К	Бирлашган-1	977712
25.	«Ғайратжон» ХФ	Миршарапов кўчаси, 11-уй	980482
26.	«Абдукарим-ота» ХФ	Қорақўл кўчаси, 2-уй	1912783
27.	Х/Т Мусаев Д	Авиасозлар ХЖ Шайхонтоҳур тумани	943429
28.	«Оқлон» ХК	Уйгур кўчаси, 3-а уй	490807
29.	«Қаттаҳовуз» маҳалла	А.Хўжаев кўчаси	
30.	Х/Т Мирзааҳмедов А	Исломобод гузари	
31.	Х/Т Пайзиев М	У.Юсупов кўч, Ишчилар шаҳарчаси Юнусобод тумани	410191
32.	«Камол-Феруза» ХФ	2-мавзе, 6-уй, 15-хона	240805
33.	«Расулжон» ХФ	Ниезбек йўли кўчаси, 2-уй	1350309
34.	«Ой-Нур-Бек» ХФ	11-мавзе, 7-уй, 28-хона Яккасарой тумани	1255314
35.	«Лутфий» ХК	Усмон Носир кўчаси, 28-уй	556504
36.	«Сарой Б.М.» ХФ	Усмон Носир кўчаси, 64-уй	531812
37.	Х/Т Собитов Б.М.	Чўлпон ота кўчаси, 1-а уй	534012

Кўшимча маълумот учун қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин:
55-39-01, 55-39-10

«Олмазор» даҳасида жойлашган 2 хонали уй сотилади
Телефон: 45-26-04

Тошканбой Эгамбердиев номидаги
Тошкент Давлат цирки
2003 йил 26 декабрдан 2004 йил 11 январгача



Болалар! Сиз учун ўқувчиларнинг қишқи таътил кунларида

АЛОВУДДИН ВА УНИНГ ДўСТЛАРИНИНГ
ЯНГИ ЙИЛ САРГУЗАШТЛАРИ
ТОМОШАЛАР

26 декабрда: 15.00, 18.00.
27 декабрдан 30 декабргача: 10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00.

31 декабрда: 10.00, 12.00, 14.00, 16.00.
1 январдан 11 январгача: 10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00 да бошланади.

Жамоа бўлиб келиш учун талабномалар қабул қилинади. 50 дан ортик чипталар олинадиган бўлса, улар ташкилотларга кўшимча ҳақ тўланмасдан етказиб берилади.

Чипталар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилмоқда. Ҳақ турли шаклда тўланиши мумкин. Касса эрта-лабки соат 9.00 дан очик.

Маълумотлар учун телефонлар: 144-29-04, 144-35-91, 144-32-23.

Гарзандимиз Абдуалимов Абдусамат!



Сени 22 ноябрь туғилган кунинг муносабати билан гин қалбимиздан мувораққод этамиз.

Сени доимо севабчи даданг Абдуқаҳҳор ва онанг Муқаррамхон ва акаларинг.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.
Факс: (3712) 133-29-09.

Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 204-хона.



FM 107.2
Кўнгли учун му-
сика, мулоҳаза
учун ахборот. Пой-
тахт ўз радиосини
таълайди «Пой-
тахт-Информ».

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари жамоаси «Тошкент оқшоми» газетаси шарҳловчиси Гулчеҳра Дурдиевага падари бузруквор.

САТТОР отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.



Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилди.
3871 нускада босилди. Қўғоз бичими А-3

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума
кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамакта» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.